

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ПРИМҚУЛОВ БОБУР ҚАХРАМОНОВИЧ

**ПАСТКИ ЖАҒ ЎСМАЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА РЕКОНСТРУКТИВ
ВА ҚАЙТА ТИКЛОВЧИ АМАЛИЁТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Примкулов Бобур Кахрамонович

Пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда

реконструктив ва кайта тикловчи

амалиётларни такомиллаштириш

3

Примкулов Бобур Кахрамонович

Совершенствование реконструктивно

восстановительных операций у больных

с опухолями нижней челюсти

30

Primkulov Bobur Kakhramonovich

Improvement of reconstructive and

reconstructive operations in patients

with tumors of the mandible

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ПРИМҚУЛОВ БОБУР ҚАХРАМОНОВИЧ

**ПАСТКИ ЖАҒ ЎСМАЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА РЕКОНСТРУКТИВ
ВА ҚАЙТА ТИКЛОВЧИ АМАЛИЁТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Tib564 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч хил тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Хасанов Акбар Иброхимович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Полатова Джамила Шагайратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Боймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да кuni тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўсма олиб ташланганидан кейин пастки жағнинг суяк яхлитлигини тиклаш замонавий онкология ва юз- жағ жарроҳлигининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Юз скелетининг реконструктив жарроҳлигида асосий ўринни пастки жағ нуқсонларининг суяк пластик жарроҳлиги эгаллайди. Пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш пастки жағ фаолияти ва юзнинг тегишли соҳасидаги косметик нуқсонларни сезиларли даражада бузилишига олиб келади. Пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш ўсмани радикал кесиб олиш ва унинг вазифаларни сақлаб қолиш ва косметик нуқсоннинг олдини олиш учун бир вақтнинг ўзида пастки жағ равоғи яхлитлигини тиклашдан иборат бўлиши керак. Пастки жағ саратони учун симультант амалиётларни бажариш яхши эстетик ва функционал тикланишлик туфайли даволаш самарадорлигини оширади. Ўсмаларни олиб ташлаганидан кейин комбинирланган юмшоқ тўқималар ва пастки жағ нуқсонларини реконструкцияси ҳозирги вақтда реконструктив-пластик жарроҳликнинг долзарб масаласидир. Шу билан бирга «...пастки жағни жарроҳлик йўли билан даволаш аксарият ҳолларда беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга имкон беради. Аммо бу ўз навбатида организм учун физиологик ва психологик оқибатларга олиб келадиган органларнинг қайтмас йўқолиши ва ҳаёт сифатининг пасайиши, шунингдек амалиётдан кейинги нуқсонларга ҳам олиб келади...»¹. Юқоридагиларга асосланиб, пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив-тикловчи амалиётларнинг адекват усуллари ишлаб чиқиш замонавий онкологиянинг ҳал қилиниш зарур муаммоларидан биридир.

Жаҳонда пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни даволашнинг анъанавий усуллари натижаларини, пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичи учун маҳаллий титан пластиналарини ишлаб чиқиш, пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни, титан пластиналари ўрнатилгандан кейин пастки жағнинг функционал ҳолатини ва беморларнинг ҳаёт сифатини, пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик йўли билан даволашда ишлаб чиқилган титан пластиналари ёрдамида реконструктив босқичининг бевосита ва яқин натижаларини қиёсий баҳолашни амалга оширишнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш алоҳида касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон

¹ Akram Abdo Almansoori. Fracture of Standard Titanium Mandibular Reconstruction Plates and Preliminary Study of Three-Dimensional Printed Reconstruction Plates/ J Oral Maxillofac Surg. January 2020 Volume 78, Issue 1, Pages 153–166

андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Клиник кузатувлар шуни кўрсатадики, ўз вақтида даволанмаган пастки жағнинг ўсма билан шикастланиши кучли анатомик, функционал ва косметик бузилишларга олиб келади. Тўқималарнинг микрожарроҳлик аутотрансплантациясининг беморларни жарроҳлик йўли билан даволашга интеграцияси, ҳатто юз скелетининг массив нуксонларида ҳам симулант аралашувларни ривожланишига ёрдам берди ва ўз навбатида, фаолияти ва эстетик сифатларни тиклаш имконини берди (Won-bum Lee, 2018). Юз реконструктив жарроҳлигини ривожлантиришга ёрдам берадиган

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

омиллардан бири, бу 3D компьютер ва рецепиент ва донор соҳаларини стереолитографик моделлаштиришдан фойдаланиш бўлиб, бу реконструктив босқичнинг прецизионлигига ва унинг натижаси прогнозига катта ҳисса қўшади. Юзни қайта тиклашда эркин лоскутлардан фойдаланиш тўлиқ қабул қилмаслик кўринишидаги кўплаб асоратлар туфайли қийинчилик туғдиради. Ўз навбатида маҳаллий лоскут ёки озиклантириш оёқчасидаги лоскутлардан фойдаланиш афзалроқдир. Озиклантириш оёқчасидаги маҳаллий лоскутларнинг ва эркин реваскуляризацияланган лоскутларнинг афзаллиги уларнинг етарли қон билан таъминланишидир. Бунда, муҳим шарт эса яхши репарацияланиши учун кўчириб ўтказиладиган лоскут ўлчамларининг етарли бўлишидир (С.В.Терещук, 2018). Н.В.Калакуцкий ва бошқа муаллифлар (2018) маълумотларига кўра, юз реконструктив жарроҳликда реконструктив пластинкадан фойдаланиш реваскуляризацияланган суяк автоимплантлари билан солиштирганда афзалроқдир. Бу, улардан фойдаланиш юқори технологияли ускуналарга бўлган эҳтиёж туфайли юқори иқтисодий харажатлар билан боғлиқ. Ушбу усулнинг суяк трансплантатининг қабул қилмаслиги ва лизиси кўринишидаги қонқарсиз натижалари ҳақида ҳам хабарлар бор. Бундан ташқари, усулнинг ўзи травматикдир. Ҳозирги тенденция - пастки жағнинг реконструктив жарроҳлигида биологик инерт титан тузилмаларидан фойдаланишдир. Титан тузилмаларининг асосий афзалликлари уларнинг тана тўқималарига биологик мувофиқлиги, етарли механик мустаҳкамлиги, уларни турли текисликларда моделлаштириш имконияти ва ишлаб чиқариш ва стерилизация қилишнинг нисбатан қулайлиги, шунингдек, маълум бир стандартга мувофиқ ялпи ишлаб чиқариш имконияти ҳисобланади. Ўсмаларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг пастки жағ равоғини тиклаш пайтида пастки жағ равоғининг яхлитлигини тиклаш учун титан имплантларидан фойдаланиш, пастки жағнинг бурчак, тана ва шохлари соҳасидаги нуқсонлари, шунингдек пастки жағнинг экзартикуляцияли нуқсонларида кўрсатма бўлади (Arun Paul S., 2014; Lee, W., 2018; Ralf Gutwalda, 2017).

Мамлакатимизда пастки жағ ўсма ва травмаларида реконструкция амалиётлари борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган (Абдуллаев Ш.Ю. 2000; Ғаниев А.А. 2022), лекин, охириги вақтларда пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштириш талаб қилинади.

Шундай қилиб, юқоридаги усуллар пастки жағ ўсмаларида реконструктив - тикловчи амалиётлар учун тавсия этилиши мумкин. Бунда реконструктив материални танлаш эса пастки жағдаги ўсманинг ўлчамлари ва жойлашишига, реконструктив-тикловчи амалиётлар амалга ошириладиган клиника ва мутахассислар даражасига боғлиқлиги муаммонинг долзарблиги ва зарурриятини тақоза қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, амалий грант ПЗ-2017092551 «Пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда импорт ўрнини босувчи маҳаллий титан пластиналарни қўллаган ҳолда реконструктив - тикловчи амалиётларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади. Янги маҳаллий титан пластиналари ёрдамида реконструктив-тикловчи амалиётларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш орқали пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни даволаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни даволашнинг анъанавий усуллари натижаларини баҳолаш;

пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичи учун маҳаллий титан пластиналарини ишлаб чиқиш;

пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни баҳолаш;

титан пластиналари ўрнатилгандан кейин пастки жағнинг функционал ҳолатини ва беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик йўли билан даволашда ишлаб чиқилган титан пластиналари ёрдамида реконструктив босқичининг бевосита ва яқин натижаларини қиёсий баҳолашни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб 2013 йилдан 2021 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази, Тошкент давлат стоматология институти ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали шифохонасида пастки жағ ўсмалари билан даволанган 134 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштириш жарроҳлик йўли билан олиб ташлаб, кейинчалик реконструктив-тиклаш амалиёти бажарилган пастки жағнинг хавфли ва хавфсиз ўсмалари ташхислашга олинган патологик материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштиришда клиник, инструментал, морфологик, аналитик ва статистик тадқиқот усулуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк маротаба пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида жағнинг қаттимлаш учун маҳаллий титан пластина ишлаб чиқилган (фойдали моделга патент FAP 01630. 27.04.2020);

пастки жағ ұсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида қўлланиладиган маҳаллий титан пластина амалиётидан кейинги кутилган косметик ва функционал бузилишларни тиклаш орқали жағнининг фаолиятини тиклаш имконини берганлиги исботланган;

пастки жағ ұсмалари олиб ташлангандан кейин титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг оростомасиз битишини тезлаштирган;

пастки жағ ұсма олиб ташлангандан кейин функционал ва косметик бузилишларнинг олдини олиш мақсадида титан пластина ёрдамида узлуксизлигини бир вақтнинг ўзида тиклаш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш тартиби исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф қилинган титан пластиналарни қиммат импорт қилинган титан пластиналарга алмаштиришни ва кейинчалик экспортга йўналтириш тартиби ишлаб чиқилган;

таклиф қилинган усулни қўллаш ушбу тоифадаги беморларда даволаниш ва реабилитация тадбирлари харажатларини сезиларли даражада камайиши тартиби баҳоланган;

титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг яхлитлигини тиклаш пастки жағнинг йўқолган фаолиятини тиклаш ва эстетик нуқсонни тўлдириш тартиби ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, морфологик, аналитик ва статистик тадқиқот усуллари асосида пастки жағ ұсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пастки жағ ұсмалари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида маҳаллий титан пластиналаридан фойдаланиш даволаш сифати, функционал ва косметик бузилишларни яхшилаш, таклиф этилаётган титан пластина қиммат импорт қилинадиган титан пластиналарини ўрнини босиши ва келажақда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан экспорт қилиниши мумкинлигининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пастки жағ ұсмалари бўлган беморларда реконструктив-тикловчи амалиётларни тиббий амалиётга жорий этиш беморларни даволаш ва реабилитация қилиш харажатларини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Республика

ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 10 майдаги ҳулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: биринчи марта пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида фойдаланиш учун маҳаллий титан пластина ишлаб чиқилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг фаолияти бўйича (25.08.2021й.; №56/1) ҳамда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг юз- жағ жарроҳлиги бўлимнинг фаолияти бўйича (30.08.2021 й.; №83/3) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* биринчи марта пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган маҳаллий титан пластина орқали беморларни косметик ва физиологик ҳолатини тиклаш орқали ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* биринчи марта пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида фойдаланиш учун функционал хусусиятларига кўра импортдан кам бўлмаган ва таннархи 5-15 баравар арзон хом ашё яратиш орқали маҳаллий титан пластина ёрдамида хасталикнинг асоратларини олдини олиш, беморларнинг шифохонада қолиш муддатини 3-5 кунга қисқартирилиши натижасида бир нафар бемор учун бюджет маблағларидан кунига 109000 минг сўм, ва маҳаллий титан пластина ишлатиб иқтисод қилиш, умумий 3750000 ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=22) 82500000 иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* биринчи марта пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида фойдаланиш учун маҳаллий титан пластина ҳисобига бир нафар беморга ўртача 3750000 сўмни ташкил қилиши ҳамда умумий татбиқ кўлами учун 82500000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида қўлланиладиган янги маҳаллий титан пластина амалиётдан кейинги кутилган косметик ва функционал бузилишларни тиклаш орқали жағнининг фаолиятини тиклаш имконини берганлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг фаолияти бўйича (25.08.2021 й.; №56/1) ҳамда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг юз-жағ жарроҳлиги бўлимнинг фаолияти бўйича (30.08.2021 й.; №83/3) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида қўлланиладиган янги маҳаллий титан пластина амалиётдан кейинги кутилган функционал бузилишларни тиклаш орқали пастки жағнининг фаолияти, чайнаш, ютиш ва нутқини тиклаш ва аёлларда рухий сиқилишларни олдини олиш орқали даволаш тактикасини самардорлигини таъминлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш тартибини ишлаб чиқишга асос бўлишига шароит яратган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий*

самарадорлиги: пастки жағ ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида қўлланиладиган янги маҳаллий титан пластина амалиётидан кейинги кутилган косметик ва функционал бузилишларни тиклаш орқали 3-5 кунга қисқартирилиши натижасида бир нафар бемор учун бюджет маблағларидан кунига 109000 минг сўм, ва маҳаллий титан пластина ишлатиб иқтисод қилиш, умумий 3750000 ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=22) 82500000 иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* пастки жағ равоғи ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг реконструктив босқичида қўлланиладиган янги маҳаллий титан пластина амалиётидан кейинги кутилган косметик ва функционал бузилишларни тиклаш ўртача бир нафар беморга бир ётоқ куни учун ўртача 109000 сўмни ташкил қилиши ҳамда умумий тадбиқ кўлами учун 82500000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: пастки жағ ўсмалари олиб ташлангандан кейин титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлигини тамилаши жароҳатни (асоратларсиз оростомасиз) битишини тезлаштириши Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг фаолияти бўйича (25.08.2021 й.; №56/1) ҳамда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг юз- жағ жарроҳлиги бўлимнинг фаолияти бўйича (30.08.2021 й.; №83/3) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* пастки жағ ўсмалари олиб ташлангандан кейин титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлигини тамилаши жараоҳатни асоратларсиз оростомасиз битишини тезлаштириши беморларни даволаш самарадорлиги ошириш натижасида, органнинг чайнаш ва ютиш фаолиятини ошириш, нутқ фаолиятини тиклаш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш тартиби ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* пастки жағ ўсмалари олиб ташлангандан кейин титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлигини тамилаши жароҳатни асоратларсиз оростомасиз битишини тезлаштириши орқали давлат бюджетидан кунига 109000 минг сўм, умумий 3750000 ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=22) 82500000 иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* пастки жағ ўсмалари ташхисланган беморларда ўсма олиб ташлангандан кейин турли хил даволаш усуллариининг қиёсий таҳлили, кузатилиши мумкин бўлган функционал ва косметик бузилишларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг фаолиятини тиклаш натижасида бир нафар беморга бир ётоқ куни учун ўртача 109000 сўмни, умумий 3750000 ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=22) 82500000 иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: пастки жағ ўсмалари ташхисланган беморларда ўсма олиб ташлангандан кейин турли хил даволаш усуллариининг қиёсий таҳлили, кузатилиши мумкин бўлган функционал ва косметик бузилишларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлигини бир вақтнинг ўзида тиклаш орқали ҳаёт сифатини

яхшилаш тартиби исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг фаолияти бўйича (25.08.2021 й.; №56/1) ҳамда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг юз- жағ жарроҳлиги бўлимнинг фаолияти бўйича (30.08.2021 й.; №83/3) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* пастки жағ ўсмалари ташхисланган беморларда ўсма олиб ташлангандан кейин турли хил даволаш усулларининг қиёсий таҳлили, кузатилиши мумкин бўлган функционал ва косметик бузилишларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлиги тиклаш орқали, чайнаш, ютиш ва нутқни шакллантириш, юзнинг пастки жойларининг деформацияси ва эстетик нуқсонни қоплаш имконини бериш орқали ҳаёт сифатини яхшилашга шароит яратилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* пастки жағ ўсмалари ташхисланган беморларда ўсма олиб ташлангандан кейин турли хил даволаш усулларининг қиёсий таҳлили, кузатилиши мумкин бўлган функционал ва косметик бузилишларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлигини бир вақтнинг ўзида тиклаш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида беморларнинг шифохонада қолиш муддатини 3-5 кунга қисқартирилиши натижасида бир нафар бемор учун бюджет маблағларидан кунига 109000 минг сўм, умумий 3750000 ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=22) 82500000 иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* пастки жағ ўсмалари ташхисланган беморларда ўсма олиб ташлангандан кейин турли хил даволаш усулларининг қиёсий таҳлили, кузатилиши мумкин бўлган функционал ва косметик бузилишларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган титан пластина ёрдамида пастки жағ равоғининг узлуксизлигини бир вақтнинг ўзида тиклаш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида ўртача бир нафар беморга бир ётоқ куни учун ўртача 109000 сўмни, умумий умумий 3750000 ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=22) 82500000 иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги фойдали моделга патент№ FAP 01630, ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг **«Пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни такомиллаштиришнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи боби пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив - тикловчи жарроҳлик истиқболларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишга бағишланган. Диссертацияда пастки жағда реконструктив - тикловчи амалиётларини бажаришдаги муаммолар ҳақида маълумот берилган. Диссертацияни ёритиб бериш ва асослаш билан бирга, пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив - тикловчи амалиётларнинг замонавий усуллари кўриб чиқилган ва муаллифнинг ушбу муаммони илмий ҳал қилишга ёндашуви асосланган.

Диссертациянинг **«Пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиётларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби клиник материал ва усулларнинг хусусиятларига бағишланган.

Кўйилган мақсадга эришиш учун 2013 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда РИОваРИАТМ, РИОваРИАТМ Фарғона филиали ва ТДСИ да даволанган пастки жағ ўсмалари бўлган 134 нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинди. Улар 73 эркак (54,5%) ва 61 аёл (45,5%) дан иборат бўлиб, беморларнинг ёши 15 ёшдан 75 ёшгачани ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши $43,6 \pm 1,5$ ёшни ташкил этган.

Беморлар даволаш усулига қараб 2 гуруҳга бўлинган ва уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна 2 та кичик гуруҳга бўлинган (1-жадвалга қаранг). 134 нафар бемордан 112 нафарини назорат гуруҳига киритиш режалаштирилган бўлиб, 112 нафар бемордан 49 нафарига пастки жағ сегментар резекцияси, қолган 63 нафарига эса пастки жағдаги ўсмалар ҳажмига қараб турли хил жарроҳлик амалиётлари бажарилган.

Иккинчи асосий гуруҳдаги барча 22 нафар беморга пастки жағнинг фақат сегментар резекцияси бажарилган.

Амалиётдан кейинги даврда функционал ва косметик ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумот олиш учун I-назорат гуруҳига 49 нафар бемор киритилди ва уларга фақат пастки жағнинг сегментар резекция бажарилган.

Қолган 63 нафар бемор назорат гуруҳидан чиқарилди, аммо уларда ҳам амалиётдан кейинги даврдаги функционал ва косметик ўзгаришлар ўрганилди.

Натижада, тадқиқот I ва II қиёсий гуруҳлардаги 71 нафар беморда ўтказилди.

Ўсмаларнинг морфологик хусусиятларини ўрганилганда, хавфли ўсмалар ичида энг кўп 33 (86,8%) ҳолатда ясси хужайрали саратон ташхиси қўйилган, иккинчи энг кенг тарқалгани 2 (5,2%) беморда дифференциаллашмаган саратон эканилиги аниқланди. Хавфсиз ўсмалар орасида амелобластома энг кўп 18 (54,5%) ҳолларда ташхис қўйилган.

1-жадвал

Даволаш усулига қараб беморларнинг тақсимланиши

Гуруҳлар ва беморлар сони	Ўсманинг тури	Даволаш усуллари
I- гуруҳ. Назорат гуруҳи 49 нафар - бемор	Пастки жағ хавфли ўсмалари билан 30 нафар бемор	I – Ўсманинг тарқалганлигига қараб 2-4 курс неоадъювант кимё терапия ёки нур терапия (40-60 грей). II – Пастки жағ сегментар резекцияси, бўйинда метастазларда – бир вақтнинг ўзида лимфодиссекция
	Пастки жағ хавфсиз ўсмалари билан 19 нафар бемор	Пастки жағ сегментар резекцияси. Пастки жағ сегментар резекцияси ҳажми ўсманинг тарқалганлигига боғлиқ бўлди
II-гуруҳ Асосий гуруҳ 22 нафар - бемор	Пастки жағ хавфли ўсмалари билан 8 нафар бемор	I – Ўсманинг тарқалганлигига қараб 2-4 курс неоадъювант кимё терапия ёки нур терапия (40-60 грей). II – Реконструктив-тикловчи амалиётлар билан бирга пастки жағ сегментар резекцияси, бўйинда метастазларда – бир вақтнинг ўзида лимфодиссекция
	Пастки жағ хавфсиз ўсмалари билан 14 нафар бемор	Реконструктив-тикловчи амалиётлар билан бирга пастки жағ сегментар резекцияси. Пастки жағ сегментар резекцияси ҳажми ўсманинг тарқалганлигига боғлиқ бўлди
Жами 71		

Бизнинг ишимизда TNM тизими (2009) 7-версияси (AJCC) бўйича таснифдан фойдаландик. Хавфли ўсмалар 1-назорат гуруҳида 30 нафар беморда, 2-асосий гуруҳда эса 8 нафар беморда аниқланди (2-жадвалга қаранг). Регионар метастазлар 16 (42,1%) ҳолларда аниқланган бўлиб, улардан 2 ҳолатда регионар N2 метастазлари топилган. Бизнинг тадқиқотимизда узок метастазли беморлар қайд этилмаган.

2-жадвал

Метастазлар бўйича беморларнинг тақсимланиши

Пастки жағ хавфли ўсмаларининг сони		I-гуруҳ. Назорат	II-гуруҳ. Асосий
Жами	38(100%)	30(78,9%)	8(21,1%)
Регионар лимфа тугунлар	N ₁ / N ₂	16(42,1%)	1/1

Пастки жағдаги амалиётдан кейинги нуқсонларни тавсифлашда ва уларни бартараф этиш йўлини танлашда J. Brown et al. в 2016 г. томонидан тавсия этилган пастки жағ нуқсонларининг таснифи қўлланилди. Ушбу тасниф пастки жағнинг суяк нуқсони узунлигини ҳисобга олади. Юмшоқ тўқималарни, терини ва шиллик қаватини ҳисобга олган ҳолда, биз А.П. Поляков (2017) таснифидан ҳам фойдаландик.

Юқорида айтиб ўтилганидек, I гуруҳдаги 49 (69,01%) нафар беморга анъанавий даволаш усуллари қўлланилди ва улар назорат гуруҳини ташкил этди.

II гуруҳнинг 22 (30,98%) нафар беморлари асосий гуруҳни ташкил этди. Ушбу беморларга реконструктив - тикловчи амалиётлар билан пастки жағни сегментар резекцияси бажарилди, яъни титан пластиналари билан пастки жағ равоғининг яхлитлиги тикланди. Жарроҳлик йўли билан даволаш ҳажми ўсма даражасига боғлиқ бўлди. Соғлом тўқималарда ўсмани резекция қилгандан сўнг, резекция қилинган жағ бўлагининг анатомик эгрилигига кўра эгилган шакли ва узунлиги бўйича керакли титан конструкцияси танланди. Реконструкция қилиш учун титан пластина Тошкент шаҳридаги “ORTOPEDIYA-INDUSTRIYA MЧЖ”да фойдаланиш учун халқаро миқёсда тасдиқланган ГОСТ-25086 стандарт титан қотишмасидан ишлаб чиқарилган. Имплантларни ишлаб чиқариш учун биз фойдаланадиган титан ўзининг ноёб биологик мослашувчанлиги билан бирга етарли механик мустаҳкамлиги билан ажралиб туради, мукамал механик хусусиятларга эга, коррозияга чидамли, шунингдек, енгил вазнга эга.

Титан пластинасини ўрнатгандан сўнг, юз ва оғиз бўшлиғининг соҳалари ревизияси бажарилди. Ревизия давомида юзнинг катталиги ва контурига, пастки жағ равоғи нуқсонининг катталиги ва шаклига, физиологик терининг физиологик бурмалари ифодаланганлик даражасига ва юз чизиқларининг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди. Бизнинг ишимизда маълумотларни қайта ишлаш учун 74 та белгилар-саволномалар бўлган электрон кодификатор тузилди. Бунда ҳар бир белги 2 дан 10 гача градацияга эга бўлиб, кодификаторга кўра беморларда амалиётдан кейинги функционал бузилишлар: чайнаш, ютиш ва нутқни шакллантириш қийинлиги, шунингдек юзнинг пастки соҳаларининг деформациялари аниқланди.


Тадқиқот давомида олинган маълумотлар SPSS 21 ва Microsoft Excel 2019 дастурлари ёрдамида статистик таҳлилдан ўтказилди. Жарроҳлик йўли билан даволашдан кейин беморлар гуруҳларини динамикада таҳлил қилиш Стьюдент ва Вилкоксоннинг жуфт t мезони ёрдамида амалга оширилди. Гуруҳларни таққослаш учун бир омилли дисперсион таҳлилидан фойдаланилди. Ўзаро муносабатларни ўрганиш Пирсон ва Спирмен корреляция коэффициентларини ҳисоблаш орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Пастки жағ ўсмалари бўлган беморларни даволашнинг анъанавий усуллари натижалари**» деб номланган учинчи бобида беморларнинг назорат гуруҳида олинган даволаниш натижалари кўрсатилган. I гуруҳ беморлари анъанавий даволаш усуллари олдилар ва 49

(69,01%) бемордан иборат назорат гуруҳни ташкил этдилар. Улар, ўз навбатида, ўсманинг гистологияси ва даволаш режимига қараб, 2 кичик гуруҳга бўлинди. 1 кичик гуруҳ пастки жағ хавфли ўсмаларнинг билан 30 (61,2%) бемордан иборат бўлди. Хавфли ўсмалари бўлган 30 бемордан иборат биринчи кичик гуруҳидаги 23 (76,6%) беморга пастки жағ танасининг сегментар резекцияси, 2 (6,6%) беморга – пастки жағ олдинги фрагментининг сегментар резекцияси ва 5 (16,6%) беморга – пастки жағ бурчагининг сегментар резекцияси амалиётлари бажарилди.

Бўйиндаги амалиётлар ҳажмига қараб, хавфли ўсмалари бўлган 30 бемордан иборат 1-кичик гуруҳда кўпинча бўйин тўқимасини 1 - вариант бўйича фасциал-футляр кесиб олиш (I ва II бўйин соҳаларининг лимфодиссекцияси) - 17 (56,6%) беморда; Ванаха амалиёти (1-вариант бўйича ФФО, бўйин лимфадиссекцияси) - 6 (20,0%) беморда; бўйнида якка метастаз мавжуд бўлганлиги сабабли ва амалиёт ичи қон кетишининг олдини олиш мақсадида ташқи уйқу артерияси боғлаш лимфонодулэктомия билан - 2 (6,6%) беморда бажарилди. Шу билан бирга, метастазлар йўқлиги сабабли 5 (16,6%) беморда бўйинда амалиёт бажарилмаган. I гуруҳдаги даволаш усуллариининг таҳлили шуни кўрсатдики, энг кўп - 21 (42,8%) беморда жарроҳлик йўли билан даволаш амалга оширилган ва хавфли ўсмаси бўлган 1-кичик гуруҳдаги 18 (60,0%) беморда комплекс даволаш усуллари қўлланилган. Шу билан бирга, 8 (26,6%) беморларда кимётерапия + жарроҳлик йўли билан даволаш усули, фақат жарроҳлик йўли билан даволаш усули – 2 (6,6%), нур терапияси + жарроҳлик усули – 2 (6,6%) беморда амалга оширилди.

1-кичик гуруҳидаги 30 беморда амалиётдан кейинги асоратлар ўрганилганда пастки жағ функциясининг бузилиши чайнашнинг қийинлиги кўринишида 30 (100%) беморда, ютишнинг бузилиши 27 (90,0%) да, нутқ шакллантиришнинг бузилиш эса 26 (86,6%) беморда,



1-расм. Пастки жағ сегментар резекциясидан сўнг бемор М.нинг МСКТси



2-расм. Пастки жағ сегментар резекциясидан сўнг бемор М.нинг МСКТси

шунингдек юз пастки соҳасининг деформацияси туфайли ҳаёт сифатининг пасайиши 28 (93,3%) беморда кузатилди (1, 2-расмлар). Ушбу фотосуратлардан кўришиб турибдики, амалиётдан кейинги даврда юзнинг кучли ифодаланган деформацияси кузатилган ва бу беморда чайнаш, ютиш ва нутқни шакллантиришдаги қийинчиликлар ҳам кузатилган.

Шунингдек, хавфсиз ўсмалари бўлган 19 беморда (2-кичик гуруҳ) амалга оширилган амалиётлар ҳам таҳлил қилинди. Бунда, 13 (68,4%) беморда пастки жағ танасининг сегментар резекцияси бажарилди, 2 (10,5%) беморда – пастки жағ олд фрагментининг сегментар резекцияси ва 4 (21,0%) беморда – пастки жағ бурчагининг сегментар резекцияси бажарилди. Ушбу кичик гуруҳда кўпинча пастки жағ танасининг сегментар резекцияси амалга оширилди.

Пастки жағ хавфсиз ўсмалари бўлган 19 бемордан иборат 2-кичик гуруҳида, ўсманинг маҳаллий тарқалган ўлчами сабабли ва амалиёт ичи қон кетишини профилактикаси мақсадида бўйинда энг кўп ташқи уйқу артериясини боғлаш – 6 (31,6%) беморда бажарилди. Шикастланган бўйин лимфа тугунлари аниқланганда, 4 (21%) беморда 1-вариант бўйича бўйин тўқимасини профилактик фасциал-футляр кесиб олиниши (бўйиннинг I ва II соҳаларини лимфодиссекция қилиш) бажарилди ва гистологик текширувда хавфли хужайралар топилмади. 9 (47,3%) беморда метастазлар йўқлиги сабабли бўйинда амалиёт ўтказилмади.

2-кичик гуруҳда барча беморларда амалиётдан кейинги даврда пастки жағ функционал ҳолатининг пасайиши чайнаш қийинлиги кўринишида - 19 (100%) ҳолларда, ютиш қийинлиги – 12 (63,1%), нутқни шакллантириш қийинлиги – 13 (68,4%) ҳолатда, шунингдек, юз пастки қисми деформацияси туфайли ҳаёт сифатининг пасайиши - 17 (89,5%) беморларда кузатилди.

Ушбу бузилишларнинг ифодаланганлиги хавфли ўсмаси бўлган 1-кичик гуруҳга қараганда камроқ бўлди. Бу бузилишлар айниқса атроф тўқималар – мушаклар олиб ташланган ясси хужайрали саратонда, шунингдек, пастки жағ, оғиз бўшлиғи туби ва тилни комбинирланган олиб ташлашда кучли ифодаланганлиги кузатилди. Хавфсиз ўсмаларда эса асосан ўсма олиб ташланди ва атроф соғлом мушаклар сақлаб қолинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 134 бемордан 112 нафарини I-назорат гуруҳига киритилиши режалаштирилган эди, аммо улардан 49 нафарига фақат пастки жағ сегментар резекцияси ўтказилди, қолган 63 беморга эса пастки жағдаги ўсма ҳажмига қараб, турли хил жарроҳлик усуллари қўлланилди ва бу беморларни биз назорат гуруҳидан чиқариб ташладик. Аммо уларда ҳам амалиётдан кейинги даврда функционал ва косметик ўзгаришларни ўргандик.

63 нафар бемордан 31 (49,2%) нафарига гемимандибулэктомия, 5 (7,9%) нафарига – пастки жағнинг субтотал резекцияси, 21 (33,3%) нафарига – пастки жағнинг резекцияси, 5 (7,9%) нафарига – пастки жағнинг чекка резекцияси, 1 (1,6%) нафарига – мандибулэктомия бажарилди. 63 беморнинг 42 (66,6%) нафари хавфли ўсмали ва 21 (33,3%) нафари хавфсиз ўсмали беморлар бўлган.

Барча 63 беморда функционал ҳолатнинг пасайиши кузатилган бўлиб, бу 63 (100%) беморда чайнашнинг қийинлиги, 54 (85,7%) беморда ютишнинг қийинлиги ва 54 (85,7%) беморда нутқ шаклланишининг қийинлиги шаклида бўлган. Шунингбек, 60 (95,2%) беморда пастки юз майдонининг деформацияси туфайли ҳаёт сифатининг пасайиши кузатилган (3-жадвал). Беморларнинг I-назорат гуруҳида бўлгани каби, бу ерда ҳам пастки жағнинг олдинги қисмини резекция қилиш пайтида юқоридаги бузилишлар сезиларли бўлган ва бу ҳам юзнинг олд зонасига кучланиш ва юклама билан боғлиқ.

3-жадвал

I гуруҳда ва ҳар хил жарроҳлик турлари бажарилган беморларда функционал ва косметик бузилишларнинг қиёсий таҳлили

№	Бузилиш параметрлари	Амалиёт қилинган беморлар сони	
		I– назорат гуруҳи	ҳар хил жарроҳлик турлари бажарилган беморлар
1	Чайнашнинг қийинлиги	100±7,2	100±6,1*
2	Ютишнинг қийинлиги	79,6±7,0	85,7±4,4*
3	Нутқни шакллантиришнинг қийинлиги	79,6±7,0	85,7±4,4*
4	Ҳаёт сифати – юз пастки қисмининг деформацияси	91,8±7,1	95,2±2,7*
Жами		49	63

Эслатма: * – I-гуруҳ қийматларига нисбатан ишончсиз, P>0,05

Жадвалдан кўриниб турибдики, функционал ва косметик бузилишлар I-назорат гуруҳига қараганда турли хил ўсма ўлчамлари бўлган беморлар гуруҳида кўпроқ кузатилган. Бунинг сабаби шундаки, улар пастки жағни катта ҳажмда резекция қилиш билан кечган амалиётлар (гемимандибулэктомия, пастки жағ субтотал резекцияси) ўтказишган.

Таққослаш мезонлари йўқлиги сабабли биз 63 бемордан иборат ушбу гуруҳни кейинги тадқиқотга киритмадик.

Диссертациянинг «**Пастки жағнинг реконструктив тикловчи амалиётларида фойдаланиш учун маҳаллий титан пластинасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида фойдали моделни ишлаб чиқишдан мақсад пастки жағдаги пластинанинг мушак ва терига тешиб кириб боришини олдини оладиган, бардошли ва пастки жағдаги ўсма олиб ташланганидан кейин функционал ва косметик натижаларни яхшилаш мақсадида ўрнатишга мос келадиган титан пластина дизайнини яратиш, шунингдек, уни тан нархини камайтиришдир.

Реконструктив-тикловчи жарроҳлик учун пластина титанли пластина бўлиб, унинг қалинлиги 3,5 мм, фронтал ва орқа томондан профил бўйлаб юмалоқ қиррали, юмалоқ радиуси 1,2 ммли бўлади. Пластина марказида маҳкамлагичлар

учун тешиklar қилинган бўлиб, юмалоқ чети бўйлаб чуқурлашган. Чуқурлашган доиранинг диаметри 5 мм, чуқурлиги 1 мм, тешикнинг диаметри 3,5 мм, тешик марказлари орасидаги масофа 8 мм, пластинанинг ён томонлари юмалоқлашган, чекка тешик марказидан радиуси – 5 мм, пластина, шунингдек, радиуси 1,5 мм бўлган юқори ва пастки қирралари бўйлаб пазалар (ярим тешиklar) билан жиҳозланган.

Прототипда юмалоқлаш радиуси 1,0 мм ва ушбу фойдали моделда эса яхлитлаш радиуси 1,2 мм ни ташкил қилади. Бу мушаклардаги юкламани 50% гача камайтиришга имкон беради ва ўз навбатида пастки жағдаги пластинанинг мушак ва тери ичига кириб боришини камайтиради. Пластинанинг қалинлиги 3,5 мм ни ташкил қилади ва бу унга мустаҳкамлик беради, ҳамда, амалиётдан кейинги даврда унинг мумкин бўлган синиш хавфини камайтиради.

Пастки жағнинг бурчаги ёки шохлари шикастланганда, ўсма пастки жағга ўхшаш эгилган титан протезларини қўйиш кўрсатма бўлади. Ушбу фойдали модел фронтал ва орқа томондан профил бўйлаб юмалоқ қиррали қилиб ишланган, ҳамда бу уни икки томондан ҳам қўллаш имконини беради.

Бундай техник ечим ушбу моделни аналоглардан яхши ажратиб туради, чунки у мушакларга юкламани камайтиришга имкон беради (50% гача) ва профилнинг юмалоқланганлиги, пазусларнинг (ярим тешиklarнинг) кичикроқ радиуси ва ушбу пазларнинг юқори бурчакларининг кесиб чиқишини камайтиради.

Бизнинг ишланмамиз II асосий гуруҳни ташкил этган 22 беморда қўлланилган. Беморларга реконструкция билан пастки жағ резекция қилинди, яъни, титан пластина билан пастки жағ равоғининг яхлитлиги тикланди (3-расм).



3-расм. Ишлаб чиқилган титан пластиналар

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш қўмитасида ушбу ишланма учун Хасанов А.И., Примкулов Б.К., Юсупов Б.Ю., Бекмирзаев Р.М.ларнинг 27.04.2020 йилдаги рўйхатдан ўтиш рақами: FAP 01630 бўлган

«Пастки жағнинг реконструктив - тикловчи амалиётлари учун пластина» номли фойдали моделга патент олинди.

Диссертациянинг «Пастки жағ ўсмалари бўлган беморларда реконструктив ва қайта тикловчи амалиёт натижалари» деб номланган бешинчи бобида реконструкция билан, яъни биз томондан ишлаб чиқилган титан пластина билан пастки жағ равоғининг яхлитлигини тиклаш билан пастки жағ резекция қилинган 22 (16,4%) бемордан иборат II асосий гуруҳни даволаш натижалари тасвирланган. Пастки жағдаги амалиёт кўлами ўсманнинг тарқалганлигига боғлиқ бўлди.

22 нафар бемордан иборат асосий II гуруҳдаги 14 (63,6%) нафар беморга пастки жағ танасининг сегментар резекцияси, 5 (22,7%) беморга - пастки жағ олд фрагментининг сегментар резекцияси ва қолган 3 (13,6%) нафар беморга – пастки жағ бурчагининг сегментар резекцияси бажарилди. Барча беморларга реконструктив - тикловчи жарроҳлик амалиётлари бажарилди (4-жадвалга қаранг).

Хавфли ўсмалари бўлган 8 бемордан (1 кичик гуруҳ) 5 (62,5%) нафарига пастки жағ танасининг сегментар резекцияси, 2 (25,0%) нафарига - пастки жағ олд фрагментининг сегментар резекцияси ва 1 (12,5%) нафарига – пастки жағ бурчагининг сегментар резекцияси бажарилди. Яъни, энг кўп пастки жағ танасининг сегментар резекцияси бажарилди.

Хавфсиз ўсмалари бўлган 14 нафар бемордан (2 - кичик гуруҳ) 9 (64,3%) нафарига пастки жағ танасининг сегментар резекцияси, 3 (21,4%) нафарига – пастки жағ олд фрагментининг сегментар резекцияси ва 2 (14,1%) нафарига - пастки жағ бурчагининг сегментар резекцияси бажарилди. Яъни, 1-кичик гуруҳга ўхшаш, энг кўп пастки жағ танасининг сегментар резекцияси бажарилди.


1-кичик гуруҳда бўйин шикастланиши ҳажмига қараб, энг кўп 1-вариант бўйича бўйин тўқималарининг фасциал-футляр кесиб олиниши (бўйин I ва II соҳаларининг лимфодиссекцияси) 2 (25%) нафар беморда бажарилди. Амалиёт ичи қон кетишининг олдини олиш мақсадида 1 (12,5%) нафар беморга ташқи уйқу артериясини боғлаш амалиёти бажарилди. Шу билан бирга, метастазлар йўқлиги сабабли 5 (62,5%) беморда бўйин амалиёти ўтказилмади (5-жадвалга қаранг).

14 нафар бемордан иборат 2-кичик гуруҳда 1 (7,1%) нафар беморга Ванах амалиёти (1-вариант бўйича ФФО 2 томонлама лимфодиссекция билан) бажарилди. Амалиётдан кейинги гистологик текширувда лимфа тугунларида метастазлар топилмади. Амалиёт ичи қон кетишининг олдини олиш мақсадида 1 (7,1%) нафар беморга ташқи уйқу артериясини боғлаш амалиёти ўтказилди. Қолган 12 (85,8%) нафар беморда бўйин амалиёти ўтказилмаган.

II гуруҳда, хавфли ўсмалари бўлган 8 нафар бемордан иборат 1-кичик гуруҳида кўпинча 3 (37,5%) ҳолатда комплекс даволаш усуллари қўлланилди (6-жадвал). Бунда, 2 (25,0%) беморда кимётерапия + жарроҳлик усули ва нур терапияси + жарроҳлик усули ўтказилди. 1 (12,5%) нафар беморда соф жарроҳлик

йўли билан даволаш усули қўлланилди. 2-кичик гуруҳда хавфсиз ўсмалари бўлган барча 14 нафар бемор фақат жарроҳлик йўли билан даволанди. Маҳаллий титан пластиналари ёрдамида пастки жағ ўсмаларини реконструктив амалиётлари бевосита натижаларини ўрганилганда, чайнашдаги қийинчиликлар 9 (40,9%) нафар беморда, ютиш қийинчиликлари – 2 (9,1%) ва нутқни шакллантиришдаги қийинчиликлар – 3 (13,6%) нафар беморда, шунингдек, юз пастки соҳаси деформациялари сабабли ҳаёт сифатини пасайиши – 5 (22,7%) нафар беморда қайд этилди (7-жадвал), (4-6 - расмлар).

